



**«GAZ-BALLON» ГАЗБАЛЛОН УСКУНАСИНИ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**
(2024 йил 19 апрелдан киритилмоқда)

FK-68/K1,8,9,13
1-бет 10 бетдан
19.04.2024 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«GROSS суғурта компанияси» АЖ

Бошқарувчи раиси

О. Х. Назаров

24 апрел 2024 йили



**«GAZ-BALLON» ГАЗБАЛЛОН УСКУНАСИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Ушбу Оммавий оферта (бундан буён матнда Оферта деб юритилади) «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ (бундан буён матнда Суғурталовчи деб юритилади) билан куйида келтирилган шартларда Суғурталовчининг ахборот тизимлари воситасида «GAZ-BALLON» газбаллон ускунасини суғурта қилиш шартномасини (бундан буён матнда Суғурта шартномаси деб юритилади) тузиш юзасидан номаълум доирадаги жисмоний ва юридик шахсларга (бундан буён матнда Суғурта қилдирувчи деб юритилади) йўлланган таклиф бўлиб ҳисобланади.

Ушбу Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суғурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суғурта қилдирувчининг суғурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқланганидан кейин унга Суғурта полиси ушбу Офертага иловада келтирилган шакл бўйича электрон кўринишда юборилади ва Суғурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Бунда Суғурталовчининг мажбуриятлари Суғурта полисида унинг амал қилиши мuddатини бошланиши сифатида кўрсатилган санадан эътиборан соат 00:00:00 да кучга киради. Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи Суғурта шартномасининг тарафларидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ Оферта юборилган шахснинг «Оммавий оферта шартларига розиман» тугмасини босган ҳолда уни қабул қилинганлиги ҳақидаги жавоби акцептлаш (сўзсиз қабул қилиш) деб ҳисобланади ва у билан куйидагиларга розилик ифодаланади:

✓ ушбу Оферта шартлари, шу жумладан унда баён қилинган суғурта шартларига розилик;

✓ суғурта шартномасини бажариш ва ички ҳужжатлар айланмасини таъминлаш мақсадида аризани тўлдириш чоғида қайд этилган шахсларнинг шахсга доир маълумотлари билан автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган тарзда ишлов бериш йўли орқали ишлашга, жумладан уларни йиғиш, тизимлаштириш, консолидация қилиш, сақлаш, аниқлаш, улардан фойдаланиш, уларни эгасиз қилиб қўйиш, блоклаш, йўқ қилишга (йўқ қилинганлиги ҳақида билдиришномасиз), шунингдек уларни учинчи шахсларга беришга розилик.

Суғурта шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчининг телефон рақами (ёки электрон почта манзили) мавжудлиги, шунингдек Суғурталовчининг интернет ресурсида онлайн режимда платформа талаб қилинади.



«Оферта», «Суғурта қоидалари», «Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» ҳаволалари бундан буён матнда ушбу Офертага нисбатан бир хил аҳамиятга эга бўлади.

1-БЎЛИМ. АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУШУНЧАЛАРИ

Ушбу ҳужжатда фойдаланилган барча атамалар ва тушунчалар мазкур Офертада улар учун баён қилинган таърифга эга. Оферта ва Суғурта қоидаларида тушунчага (атамага) таъриф мавжуд бўлмаган тақдирда, уларнинг таърифи Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

1.1. Суғурталовчи – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан берилган Лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган «GROSS суғурта компанияси» акциядорлик жамияти.

1.2. Суғурта қилдирувчи – суғурта мукофотини тўлаган ва ушбу Оферта доирасида Суғурталовчи билан суғурта муносабатларига киришган муомалага лаёқатли ва ҳуқуқий лаёқатга эга жисмоний ёки юридик шахслар.

1.3. Суғурта полиси – Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида Суғурта шартномаси тузилганлиги фактини тасдиқладиган ҳужжат.

1.4. Суғурта суммаси – Суғурта полисида кўрсатилган, ўзи билан Суғурта қилдирувчи мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаладиган пул маблағлари суммаси бўлиб, унинг миқдори Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи томонидан белгиланади.

1.5. Суғурта мукофоти – Суғурта полисида кўрсатилган, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ушбу Офертада белгиланган тартибда ва шартларда тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

1.6. Суғурта воқеаси – суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа.

1.7. Суғурта ҳодисаси – ушбу Офертада назарда тутилган, Суғурта даврида ва Суғурта ҳудудида ҳақиқатан содир бўлган воқеа бўлиб, у юз бериши билан Суғурталовчида Суғурта қилдирувчига суғурта товони тўлаш мажбурияти юзага келади.

1.8. Суғурта товони – ушбу Офертада назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқ ворисига) суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

1.9. Ёнғин – оловнинг манбасидан ташқарида тарқалиши чоғида юз берган очиқ ёниши.

1.10. Портлаш – газнинг жадал равишда кенгайиши оқибатида юзага келган газ босими кучининг вайрон қилувчи таъсири.

1.11. Бахтсиз ҳодиса – транспорт воситаси ҳаракатланаётган пайтда содир бўлган ёки улар иштирокида аварияда ҳайдовчининг ўлимини келтириб чиқарган, тўсатдан рўй берган қисқа муддатли ташқи ҳодиса.

1.12. Наф олувчи – суғурта тўловини олувчи сифатида Суғурта полисида кўрсатилган жисмоний шахс. Ушбу Шартнома бўйича Наф олувчини тайинламаган ҳайдовчи вафот этган тақдирда, Суғурта қилинган шахснинг меросхўрлари суғурта тўловини олувчилар деб тан олинади.

1.13. Ҳайдовчи – ТВни бошқариш учун тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига ва Суғурта қилинган ТВни бошқаришга қонуний асосга эга бўлган жисмоний шахс.



**«GAZ-BALLON» ГАЗБАЛЛОН УСКУНАСИНИ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

(2024 йил 19 апрелдан киритилмоқда)

FK-68/K1,8,9,13
3-бет 10 бетдан
19.04.2024 й.

1.14. **Учинчи шахс** – Суғурта қилдирувчи, автотранспорт воситасининг эгаси ва уларнинг вакиллари истисно қилинган бошқа шахс. Учинчи шахс сифатида жисмоний шахс ҳам, юридик шахс ҳам бўлиши мумкин.

1.15. **Суғурта муддати** – Суғурта қилдирувчининг фақат Суғурта полисида кўрсатилган муддат мобайнида юзага келган суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятларининг амал қилиши муддати.

1.16. **Суғурта ҳудуди** – суғурта амал қиладиган ҳудуд. Ушбу Офертага кўра Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди суғурта ҳудудидир.

2-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПОЛИСИНИ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ МУДДАТИ

Суғурта полисини тузиш ва кучга кириши тартиби:

2.1. Ушбу Оферта Суғурта полисининг барча шартларини ўз ичига олади ва Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига хизматларни сотиш ва кўрсатиш шартларини белгиловчи электрон ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

2.2. Суғурта полиси Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган маълумотлардан ва Суғурталовчи қўллайдиган ахборот тизимларидан (онлайн) ёки тўлов тизимлари ва ташкилотлар ёки банкларнинг инструментларидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади.

2.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризанинг тўлдирилиши шарт бўлган катакларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган оригинал ҳужжатларнинг маълумотларига қатъий мувофиқ ҳолда тўлдиради.

2.4. Суғурта қилдирувчи аризада баён қилинган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва аслига айнанлиги юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек аризада баён қилинган ҳужжатлар уларнинг аслига мос келмаган тақдирда, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчи суғурта товони тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эканлигига рози бўлади.

2.5. Аризада кўрсатилган ва киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари Суғурта шартномасига (Суғурта полисига) автоматик тарзда киритилади.

2.6. Суғурта шартномасининг тарафлари Суғурта полисини тўлдириш чоғида Суғурта қилдирувчи томонидан маълумотларни шахсий электрон почтасига ёки мессенжер орқали телефон рақамига маълумотларни узатиш Суғурта полисини белгиланган тартибда узатиш эканлигини тасдиқлайди.

Суғурта мукофотини тўлаш тартиби:

2.7. Суғурта полиси бўйича суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда (онлайн) тўланади.

2.8. Суғурта полиси бўйича суғурта мукофоти тўланганлиги ҳақида тасдиқ олинганидан кейин Суғурталовчининг ахборот тизими автоматик режимда Суғурта полисини электрон шаклда расмийлаштиради, уни шахсга доир маълумотларни тўлдириш чоғида кўрсатилган электрон почта манзили ёки телефон рақами мессенжерлари орқали жўнатади.

Суғурта полисини тугатилиши

2.9. Суғурта полисининг амал қилиши Тарафлардан бирининг ёзма аризасига кўра тугатилиши мумкин. Суғурта полиси муддатидан илгари бекор қилинган тақдирда, Суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

2.10. Суғурта полиси қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

а) амал қилиши муддати тугаганида;

б) Суғурталовчи томонидан ўз мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилганда;



в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Ушбу Оферта ва Суғурта полисида кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ Суғурталовчи автотранспорт воситасида ўрнатилган газбаллон ускунаси (бундан буён матнда ГБУ деб юритилади) йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) муносабати билан портлаши ёки ёниши натижасида қуйидаги суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда Суғурта қилдирувчининг мулкӣ манфаатларига суғурта ҳимоясини тақдим этади:

- а) ҳайдовчи билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса;
- б) транспорт воситасида ўрнатилган ГБУни шикастланиши;
- в) учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар) олдида фуқаролик жавобгарлиги.

4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Автотранспорт воситасида ўрнатилган ГБУ ЙТХ муносабати билан портлаши ёки ёниши натижасида автотранспорт воситасини йўқ қилиниши ёки шикастланиши, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилиши қуйидаги ҳолларда суғурта воқеаси деб тан олинмайди ва суғурта товони тўланмайди:

а) суғурта воқеасини саҳналаштириш мақсадида ҳайдовчининг қасддан қилинган ҳатти-ҳаракатлари оқибатида шикастланганда, бундан ўзининг, шунингдек учинчи шахсларнинг қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғини сақлаш бўйича фуқаролик бурчини бажариш билан боғлиқ ҳаракатларнинг амалга оширилиши мустасно;

б) автомобил йўлида турли ҳайвонлар тўсатдан пайдо бўлганида ва бунинг натижасида автотранспортга ўрнатилган ГБУ шикастланган ҳолда ЙТХ содир бўлганда;

в) автотранспорт воситаси алкоғолли ичимликдан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёхуд шахснинг ақл-иродасига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида, шунингдек транспорт воситасини бошқаришда қўлланиши мумкин бўлмаган дори препаратлари таъсири остида бўлган шахс томонидан бошқарилганда;

г) автотранспорт воситаси Ҳайдовчи бўлмаган шахс томонидан бошқарилганда;

д) автотранспорт воситасидан фойдаланилганда уни эксплуатация қилиш, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнғин хавфи ва портлаш хавфи бўлган моддалар ҳамда предметларни ташиш ва сақлаш қоидалари бузилганда;

е) автотранспорт воситасидан ўқув-машғулот, спорт-мусобақа ёки синов мақсадларида фойдаланилганда;

ж) агар юзага келган воқеа ваколатли органлар (ИИБ, ЙХХБ, ФВВ) томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган бўлса;

з) суғурта ҳодисаси юз беришининг аниқ сабаблари аниқланмаган бўлса;

и) Суғурта қилдирувчи ёки унинг ишончли шахси томонидан суғурта товони олиш мақсадида ишониб бўлмайдиган маълумотлар, ёлғон маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланганда;

к) агар суғурта ҳодисаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида содир қилинган бўлса;

л) Суғурта қилдирувчи – жисмоний шахс ўз жонига қасд қилганида ёки ўз жонига қасд қилишга уринганида;

м) инсульт, инфаркта (инсульт ва инфаркт ҳеч қачон бахтсиз ҳодиса оқибати деб қаралмайди).


5-БЎЛИМ. СУҒУРТАЛОВЧИ ВА СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- а) Суғурта қилдирувчини ушбу Оферта ёки суғурта шартлари билан таништириши;
- б) суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, ушбу Офертада белгиланган тартибда ва муддатларда даъвони текшириб чиқиши ва Суғурта товонини тўлаши;
- в) суғурта ҳодисаси тан олинмаган тақдирда, Суғурталовчининг суғурта товони тўлашни рад этиш ҳақидаги қарори суғурта товонини тўлаш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилинган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш) кундан кечикмай Суғурта қилдирувчига ёзма тарзда хабар қилиниши шарт ва рад этиш сабаблари асослантирилиши керак;
- г) Суғурта товонини Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи томонидан Суғурта ҳодисасини тан олиш ҳақидаги далолатнома имзоланганидан кейин 5 банк кун ичида тўлаши шарт.

5.2. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

- а) Суғурта товонини тўлаш талаби Суғурта қилдирувчи ёки учинчи шахслар томонидан қўйилган тақдирда, Суғурта қилдирувчидан ушбу Офертада назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;
- б) Суғурта полиси тузилишидан олдин Суғурта қилдирувчи томонидан ёлғон ахборот тақдим этилганлиги факти аниқланган тақдирда, Суғурта полиси ҳақиқий эмас деб тан олинишини ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган чоралар кўрилишини талаб қилиш;
- в) қуйидаги ҳолларда Суғурта товони тўлашни рад этиш:
 - агар Суғурта қилдирувчи узрли сабабсиз Суғурталовчини суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида белгиланган муддатда хабардор қилмаган бўлса;
 - агар Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси сабаблари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун зарур ахборотни тақдим этмаган бўлса;
 - Суғурта полисидан наф олиш учун ёлғон воситалар ва усуллардан фойдаланган тақдирда;
 - агар Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўз талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечган бўлса, шунингдек Суғурталовчига унга берилган талаб қўйиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳар қандай ҳужжатлар ва далилларни тақдим этиш рад этилган тақдирда;
- г) суғурта таваккалчилигини оширувчи факлар тўғрисида билдиришномалар олинган тақдирда Суғурта полиси шартларини ўзгартиришни ва/ёки Суғурта мукофотининг қўшимча суммасини тўлашни талаб қилиш;
- д) зарурат бўлганда эксперт ташкилотларида автотранспорт воситасида ўрнатилган ГБУга етказилган зарарни қайта баҳолаш ва тақдим этилган ҳужжатлар (калькуляция, мутахассис хулосаси, далолатнома ва шу кабилар) асосида суғурта товони тўлаш;
- е) автотранспорт воситасида ўрнатилган ГБУнинг суғурта ҳодисаси оқибатида зарарланган ва баҳолаш ташкилотининг калькуляциясига кўра яроқсиз деб тан олинган эътиёт қисмларини талаб қилиб олиш.



5.3. Суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин Суғурта қилдирувчининг/Наф олувчининг мажбуриятлари:

- а) Суғурталовчи ёки унинг вакилини Суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида ёзма равишда бу ҳақда унга маълум бўлганидан кейин 72 соатдан кечикмай хабардор қилиши;
- б) Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурта товонини тўлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун Суғурталовчига барча зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиши;
- в) Суғурта полизи тузилганида ўзига маълум бўлган, Суғурта ҳодисаси юз бериши хавф-хатарини аниқлаш учун зарур бўлган барча аҳамиятга молик фактлар ва эҳтимол юз бериши мумкин бўлган Суғурта ҳодисаси муносабати билан кутиладиган зарар (суғурта таваккалчилиги) миқдори ҳақида Суғурталовчига хабар бериши;
- г) Суғурта полиси амал қилиши даврида юз берган, Суғурталовчига маълум қилинган ҳолатларда аҳамиятли ўзгаришлар ҳақида, агар мазкур ўзгаришлар суғурта таваккалчилиги ошишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, Суғурталовчини дарҳол хабардор қилиши;
- д) Суғурталовчининг розилигисиз ГБУни қисмларга ажратиш бўйича ишларни олиб бормаслиги ва ҳар қандай таъмирлаш ишларини бошламаслиги шарт. Ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ёки ваколатли органларнинг буйруқлари ҳамда фармойишларини бажариш зарурати юзага келган ҳоллар ушбу қоидадан мустасно;
- е) автотранспорт воситасига ўрнатилган ГБУни кўздан кечириш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни, шунингдек ГБУ ёки унинг қисмларини сотиш ёхуд қайта ишлашдан олдин ёки утилизация қилишдан олдин Суғурталовчи билан келишиши;
- ж) Суғурталовчининг ёзма розилигисиз тўловлар бўйича кафолатлар ёки мажбуриятларни зиммасига қабул қилмаслиги;
- з) автотранспорт воситасида ўрнатилган ГБУни доимий ишчи ҳолатида сақланиши юзасидан профилактика чора-тадбирларини ўтказиши шарт.

5.4. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:


- а) Суғурта полиси амал қилиши даврида Суғурталовчининг суғурта масалалари юзасидан маслаҳатларини олиш;
- б) Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда Суғурталовчидан ушбу суғурта бўйича зиммасига олган мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш;
- в) Ушбу суғурта доирасида келишмовчиликларни тартибга солиш учун мустақил экспертни жалб қилиш.

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ВА УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи ёки учинчи шахслар Суғурталовчига Суғурта ҳодисаси ҳақида ёзма хабарнома юборади.

6.2. Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчига қуйида санаб ўтилган ҳужжатларни тақдим этади:

- ✓ Суғурта товони олиш тўғрисида ариза;
- ✓ Суғурта полиси;
- ✓ автотранспорт воситасида ўрнатилган ГБУнинг зарарланганлиги, йўқ қилинганлиги ёки йўқотилганлигини тасдиқлайдиган маълумотнома;
- ✓ Суғурта ҳодисаси юз беришида айбдор бўлган юридик ёки жисмоний шахснинг тушунтириш хати;



✓ лицензияга эга баҳолаш ташкилоти ёки экспертнинг зарарни аниқлаш бўйича ҳисоботи;

✓ зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган фотосуратлар ёки видеоёзувлар;
✓ ваколатли органларнинг Суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатлари;
✓ алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик воситалари ёки токсик моддалар таъсири остида мастлик ҳолатининг мавжуд эмаслиги ҳақида тиббий хулоса;

✓ бахтсиз ҳодиса натижасида ҳайдовчи вафот этган тақдирда, ўлимнинг аниқланган сабаби кўрсатилган ҳолда ўлим тўғрисида гувоҳноманинг асли ва нусхаси;

✓ Суғурталовчи сўраган тақдирда ўлим сабабини аниқлаштириш учун суд-кимё, суд-биология, гистология тадқиқотларининг натижалари билан бирга мансабдор шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган суд-тиббиёт экспертизаси далолатномасининг нусхаси;

✓ суғурта ҳодисасига оид Суғурта қилдирувчига маълум бўлган бошқа маълумотлар.

6.3. Автотранспорт воситасида ўрнатилган ГБУнинг зарарланиши ёки портлаши муносабати билан жабрланган учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилганлиги туфайли Суғурта товони тўлаш тартиби:

✓ ГБУ тўлиқ йўқ қилинган тақдирда Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига автотранспорт воситасига ўрнатилган ГБУ суғурта қилинган суғурта суммаси доирасидаги суммани тўлайди;

✓ учинчи шахслар мол-мулкига зарар етказилган тақдирда, Суғурта товони Суғурта суммасининг 35 фоизидан ортиқ суммани ташкил эта олмайди, ҳаёт ёки соғлиққа зарар етказилганда эса Суғурта товони Суғурта суммасининг 65 фоизидан ортиқ суммани ташкил эта олмайди;

✓ Суғурта ҳодисасини, шунингдек етказилган зарарни исботлаш мажбурияти Суғурта қилдирувчи зиммасида бўлади;

✓ автотранспорт воситасига ўрнатилган ГБУни модернизация қилиш ёки ўзгартириш, янгилаш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек Суғурта қилдирувчи кўрган зарарни баҳолашга доир харажатлар Суғурталовчи томонидан қопланмайди;

✓ автотранспорт воситасига ўрнатилган ГБУнинг товар шаклида эскириши қиймати ва Суғурта полисида келишилган франшиза миқдори тўланадиган суғурта товони ҳисобига ушлаб қолинади.

Суғурта товони Суғурта қилдирувчи томонидан тижорат банкида очилган ҳисобварақ рақамига пул маблағларини ўтказиб бериш йўли билан тўланади;


✓ агар автотранспорт воситасига ўрнатилган ГБУ бўйича Суғурта ҳодисаси натижасида етказилган зарарнинг ёки портлаш натижасида учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) етказилган зарарнинг маълум бир қисми айбдор ёки бошқа шахслар томонидан тўланган бўлса, Суғурталовчи Суғурта товони суммасининг қопланган қисmini чегириб ташлайди.

6.4. Суғурталовчи қуйидаги ҳолларда Суғурта товони тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга:

✓ агар Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи Суғурталовчини суғурта ҳодисаси ҳақида белгиланган мuddатда узрли сабабсиз хабардор қилмаган бўлса;

✓ агар Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи суғурта ҳодисасининг сабаблари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун зарур ахборотни тақдим этмаган бўлса;

✓ Суғурта полисидан наф олиш учун ёлғон воситалар ва усуллардан фойдаланилганда;



✓ агар Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўз талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечган бўлса, шунингдек Суғурталовчига унга берилган талаб қўйиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳар қандай ҳужжатлар ва далилларни тақдим этиш рад этилган тақдирда.

7-БЎЛИМ. ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

7.1. Суғурта қилдирувчи Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» 02.07.2019 йилдаги ЎРҚ-547-сон Қонунига мувофиқ Суғурталовчига тузилган суғурта шартномаси бажарилишини таъминлаш мақсадида берилаётган ҳужжатларда ва бошқа ахборотда (шу жумладан телефон алоқасидан фойдаланган ҳолда берилаётган ахборотда Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган ҳолда телефон сўзлашувларини ёзиб олиш ва сақлашни таъминлаши шарти билан) мавжуд ўз шахсга доир маълумотлари билан ишлаш, сақлаш ва улардан бошқача тарзда фойдаланишга розилигини билдиради.

7.2. Суғурталовчи норматив ҳужжатларда белгиланган, Суғурта қилдирувчи ва кўрсатилган хизматлар ҳақидаги ахборотни сақлаши шарт бўлган жами муддат давомида Суғурта қилдирувчининг маълумотлари билан ўз дастурий-аппарат воситалари ёрдамида ишлайди.

7.3. Тузилган Суғурта шартномаси бажарилишини таъминлаш мақсадида шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш уларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), улардан фойдаланиш, уларни тарқатиш (шу жумладан шахсга доир маълумотларни узатиш, жумладан трансчегаравий узатиш), эгасиз қилиб қўйиш, блоклаш, шахсга доир маълумотларни ҳам қоғоз, ҳам электрон ташувчиларда йўқ қилиш воситасида амалга оширилади. Юқорида кўрсатилган мақсадларни амалга ошириш учун Суғурталовчи ўзи билан шахсга доир маълумотлар ишончли сақланишини (сир тутилишини) таъминлайдиган ва ноқонуний ошкор қилинишини олдини оладиган тегишли келишувлар тузган учинчи шахсларга шахсга доир маълумотларни бериш ҳуқуқига эга.

7.4. Суғурталовчи ушбу Офертада ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқа мақсадларда шахсга доир маълумотларнинг сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади.

8-БЎЛИМ. КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР

8.1. Ушбу Оферта бўйича тарафлар коррупцияга қарши қонунчилик талабларига риоя қилиш ва ушбу Оферта шартларидан келиб чиқадиган ўз ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари муносабати билан коррупцияга қарши қонунчилик нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳеч қандай ҳаракатларни амалга оширмаслик, шу жумладан (бу билан чекланиб қолмай) бирор-бир жисмоний ва юридик шахсларга, жумладан (аммо бу билан чекланиб қолмай) тижорат ташкилотлари, ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларига, давлат хизматчилари, хусусий компанияларва уларнинг вакилларига ноқонуний тўловларни таклиф қилмаслик, уларга розилик бермаслик, уларни ваъда қилмаслик ва амалга оширмаслик, жумладан (аммо бу билан чекланиб қолмай) пул шаклида ёки ҳар қандай бошқа шаклда пора олмаслик (бермаслик) мажбуриятини зиммасига олади.

8.2. Тарафлардан бири ушбу Офертада кўрсатилган мажбуриятларни бузган тақдирда, бошқа тараф мазкур Оферта шартларини бир томонлама суддан ташқари тартибда





**«GAZ-BALLON» ГАЗБАЛЛОН УСКУНАСЕНИ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

(2024 йил 19 апрелдан киритилмоқда)

FK-68/K1,8,9,13
9-бет 10 бетдан
19.04.2024 й.

бажаришдан воз кечиш ҳуқуқига эга. Тарафлар мазкур бандга мувофиқ Суғурта шартномаси бекор қилинган тақдирда бир-бирига зарарларни қопламайди.

8.3. Тарафлар қуйидагилар ҳақида баёнот беради ва қуйидагиларга кафолат беради:

а) ҳар бир тараф, шунингдек улар билан боғлиқ шахслар юқори ахлоқ стандартларига виждонан ва қонуний тарзда риоя қилиши керак.

б) тарафлар, шунингдек улар билан боғлиқ шахслар: ваколатли шахслар, вакиллар солиқлар билан боғлиқ коррупцияга, фирибгарликка ва ҳар қандай шаклда солиқларни тўлашдан бўйин товлашга (тўғридан-тўғри ёки билвосита) хизмат қиладиган бирор-бир фаолиятда иштирок этмаслиги керак.

9-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ ВА РЕГРЕСС

9.1. Суғурта ҳодисаси натижаларига кўра қопланган зарар учун Суғурта қилдирувчининг жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида Суғурталовчига ўтади.

9.2. Суғурта қилдирувчи ўтказилган талаб қилиш ҳуқуқи бўйича барча зарур ҳужжатлар ва далилларни, шунингдек ўзига маълум бўлган маълумотларни Суғурталовчига бериши шарт.

9.3. Агар Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсдан ўз талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки мазкур ҳуқуқни Суғурта қилдирувчининг (учинчи шахсларнинг) айбига кўра амалга ошириш мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта товони тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисми доирасида озод қилинади ва тўланган товон суммаси қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

10-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Агар Суғурта қилдирувчининг манфаатларига доир алоҳида шартлар ва/ёки ҳолатлар ушбу Офертада назарда тутилмаган бўлса, Суғурталовчи ўз ихтиёрига кўра компромисс қарорни қабул қилиши мумкин.

10.2. Ушбу қоидалар билан ёки уларни бажарилиши ёки бузилиши билан боғлиқ низолар, талаблар ва келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш чораларини кўради.

10.3. Низолар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал қилинади.

10.4. Ушбу Офертада назарда тутилмаган масала ва муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100000,

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,

Усмон Носир кўчаси, 1-тор кўча, 6-уй

Банк реквизитлари:

«ОРИЕНТ-ФИНАНС» ХАТБ Амалиёт бўлимида

Ҳ/Р: 2020 8000 4049 4415 7001

Банк коди: 01071, СТИР: 207135501, ИФУТ: 65120

Алоқа учун ягона рақам: 11-66



«GAZ-BALLON» ГАЗБАЛЛОН УСКУНАСИНИ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА
(2024 йил 19 апрелдан киритилмоқда)

FK-68/K1,8,9,13
10-бет 10 бетдан
19.04.2024 й.

2024 йил __ апрелдаги
«GAZ-BALLON» газбаллон ускунасини
суғурта қилиш учун
оммавий офертага илова

«GAZ-BALLON» газбаллон ускунасини
суғурта қилиш учун Суғурта полисининг
НАМУНАСИ

Полис серияси ва рақами: EGB 0000000
Полис берилган сана:

«GAZ-BALLON» газбаллон ускунасини суғурта қилиш учун
СУҒУРТА ПОЛИСИ

Ушбу Полис «GAZ-BALLON» газбаллон ускунасини суғурта қилиш учун оммавий офертага (ушбу маҳсулот билан Полисининг қуйи қисмида келтирилган QR-кодда кодланган иловадан ўтган ҳолда танишиш мумкин) мувофиқ расмийлаштирилган бўлиб, Суғурталовчининг қуйидагилар ҳақидаги мажбуриятларини тасдиқлайди:

1	Суғурта қилдирувчи:	
2	Суғурта қилдирувчининг телефон рақами	+998
3	Наф олувчи:	
4	ТВ русуми ва модели:	
	Давлат рақами:	
	Ишлаб чиқарилган йили:	
	Двигател рақами:	
	Кузов (шасси) рақами:	
5	Суғурта даври:	
6	Суғурта ҳудуди:	Ўзбекистон Республикаси
7	Суғурта дастури	
8	Суғурта суммаси, улардан:	
	ҳайдовчи билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса таваккалчилиги бўйича	
	Газбаллон ускунасининг ўзини бузилиши таваккалчилиги бўйича	
	учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши таваккалчилиги бўйича	
9	Суғурта мукофоти:	

Суғурта полисини
текшириш учун мобил
қурилмасидан QR-кодни
сканерлаб олинг

Суғурта офертаси билан
танишиш учун мобил
қурилмасидан QR-кодни
сканерлаб олинг

Туну кун ишлайдиган Мижозларни қўллаб-қувватлаш маркази билан
1166 телефон рақами орқали боғланиш мумкин